Хасанов Шухрат Эркинбаевич

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бош инспектори, мустақил изланувчи
E-mail: suhamuzaffar@gmail.com
Тел.:914326868

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.

Аннотация: Ушбу мақолада ўғрилик жиноятларини олдини олиш, профилактика қилиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари, шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни олдини олишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистон шароитига қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: Ўғрилик жинояти, жиноятларнинг олдини олиш, профилактика қилиш, таълим муассасалари, тадқиқотлар, криминология, хавфсизлик тизимлари, хавфсизлик дастурлари, жамоатчилик, Ўзбекистон шароити, чора-тадбирлар.

ИЗУЧЕНИЕ ПЕРЕДОВОГО ОПЫТА В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ КРАЖ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ.

Аннотatsiя: В данной статье представлены взгляды зарубежных и отечественных ученых на профилактику и борьбу с кражами, а также передовой опыт зарубежных стран в предотвращении этого вида преступлений и предложения и рекомендatsiи по их применению в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: Преступления, связанные с кражами, профилактика преступлений, предотвращение преступлений, образовательные учреждения, исследования, криминология, системы безопасности, программы безопасности, общество, условия в Узбекистане, меры.

STUDY OF ADVANCED EXPERIENCES IN THE PREVENTION OF THEFT CRIMES OF FOREIGN COUNTRIES.

Abstract: This article presents the views of foreign and domestic scientists on the prevention and treatment of theft crimes, as well as the advanced experiences of foreign countries in preventing this type of crime and proposals and recommendations for their application to the conditions of Uzbekistan.

Keywords: Theft crime, crime prevention, prevention, educational institutions, research, criminology, security systems, security programs, society, conditions in Uzbekistan, measures.

Бугунги кунда тоборо шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот асрида жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда илғор хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб, Ўзбекистон шароитида қўллаб бориш, жиноятларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэътироф этилган. Бу - ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.(1)

Криминологияга оид адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ҳақида кўп фикр юритилади, лекин мазкур тушунчанинг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. (2)

Жиноятлар профилактикасига оид йирик тадқиқот муаллифи Г.А.Аванесов ўз китобининг биринчи нашрини «Криминология ва ижтимоий профилактика» деб номлаган. (3)

Жиноятларнинг олдини олиш муаммосига бағишланган дастлабки илмий тадқиқотлардан бири киевлик И.А.Гельфанд ва П.П. Михайленконинг

«Жиноятларнинг олдини олиш – жиноятчиликка барҳам бериш учун кураш негизи» монографиясидир. (4)

Унда муаллифлар жиноятларнинг олдини олиш соҳасида қўлланиладиган атамалар тўғрисида сўз юритиб, «олдини олиш», «барҳам бериш», «профилактика қилиш», «тўхтатиш» атамаларининг мазмунида фарқ қидириш ўринли эмаслигини, бу атамаларнинг мазмуни бирлигини – шу маънода улар муайян шахслар томонидан жамиятга зарар етказувчи қилмишлар содир этилишининг олдини олиш ва кейинчалик бундай ҳолатларга мутлақо барҳам бериш чора-тадбирларини кўриш зарурлиги ҳақидаги фикрни ифодаловчи синонимлар эканлигини таъкидлайдилар.

Криминолог олим Қ.Абдурасулова **жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш –** давлат органлари (шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятидир деб таъриф берганлар. (5)

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишда илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, жиноятларни барвақт олдини олиш йўналиши ва тизимларини белгилаб олиш, қиёсий таҳлил қилиш жиноятчиликни олдини олишни такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Россиялик криминолог В.В.Лунеев ***қиёсий криминологияни*** криминология фанининг жиноятчиликнинг умумжаҳон, минтақавий ва миллий хусусиятларни ва бошқа ўзига хос хусусиятларини, унинг сабабий негизини ва унга қарши кураш чораларини, шунингдек жиноятчиликнинг келиб чиқиши, шарт-шароитлари ва уни олдини олиш йўллари ҳақидаги асосий назарияларни қиёсий ўрганувчи соҳаси сифатида таърифлаган.

Қиёсий криминологиянинг ***предмети*** таркибига:

- ❖ қиёсий жиноятчилик;
- ❖ жиноятчилик сабаблари ҳақидаги қиёсий назариялар;
- ❖ жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик киради.

Жиноятчиликка доир дастлабки қиёсий тадқиқотлар 1901 йилда Италия, Франция, Испания, Австрия, Германия, Англия, Шотландия ва Ирландияда ўтказилган, 1911 йилда эса халқаро қиёсий тадқиқотлар учун ягона кўрсаткичлар тизими таклиф қилинган. Бу тизим кейинчалик таҳлил қилинувчи маълумотларнинг қиёсийлигини ошириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилди. Хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги тажрибаси аҳамиятли бўлиб, АҚШ, Англия, Германия, Швеция, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар полицияларида оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга устувор аҳамият берилади.

Шу нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, бугунги кунда ўғрилик жиноятларига қарши курашишда хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу боис айрим мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларига тўхталамиз.

Америка Қўшма Штатларидаги умумий овқатланиш жойлари (кафе, бар, ресторан) ва бошқа савдо марказларида ўғрилик жиноятларининг олдини олиш мақсадида “HCP” корпорациясининг махсус технологиясидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Мазкур дастурий таъминот мижозларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туради ва аниқланган ғайриқонуний ҳолат бўйича мажмуа раҳбарининг мобиль телефони ёки электрон манзилига автомат тарзда хабар юборади. Эътиборлиси, дастурий таъминот мамлакатнинг турли нуқталарига ўрнатилгандан сўнг ўғрилик жиноятлари 30 фоизгача камайган.

Ушбу давлатда ижтимоий тармоқлардаги оммавий платформалар орқали ўғрилик жиноятларининг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот

ишларини амалга ошириш борасида АҚШда хавфсизлик тизимлари жуда ривожланган бўлиб, банкларнинг пластик картасидан пул маблағларининг ечилишида биометрик тизимлар орқали аниқланишига имконият берувчи механизмлар ўрнатилган. Бу тизим кибер ўғриликларининг олдини олишга ёрдам беради.

Шунингдек, жамоатчилик, хусусан маҳаллий органлар ўртасида хавфсизлик дастурлари кучайтирилган. **“Neighborhood Watch”** *(Маҳаллий кузатув)* дастурлари, маҳаллалардаги фаол кишиларнинг ўғриликка қарши курашишга ёрдам беришини таъминлаш учун жамоатчилик жалб қилинади.

Маҳалла назорати нафақат фуқароларга жиноятчиликка қарши курашда ёрдам бериш имконини беради, балки жамоаларни хизмат орқали боғлаш имкониятидир. “Қўшнилар назорати” дастури оддий фуқароларнинг қўшниларига ёрдам беришини сўрайди. Миллий “Neighbourhood Watch” дастури ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва уларнинг ҳамжамиятларига ёрдам бериш, техник ёрдам, манба ҳужжатлари, тармоққа уланиш ва соҳага ёрдам бериш учун ташкил қилинган.

1972 йилдан бери “Миллий қо‘шничиликни кузатиш” дастури (Миллий Шерифлар ассотсиатсияси таркибида жойлашган) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусий ташкилотлар ва алоҳида фуқароларни жиноятчиликни камайтириш ва маҳаллий ҳамжамиятларни яхшилаш бо‘йича умуммиллий са’й-ҳаракатларда бирлаштиришга ҳаракат қилади. Дастурнинг муваффақияти “Қўшнилар кузатуви”ни жиноятчиликнинг олдини олиш ва аҳолини сафарбар қилиш бўйича мамлакатнинг асосий дастури сифатида белгилаб беради. Дастурнинг кўзга кўринадиган белгилари бутун Америка бўйлаб кўча белгиларида, деразаларда, жамоат ташкилотларида ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларида кўринади.

Буюк Британия, Жанубий Корея давлатларининг политсия ходимларига ўғирланган, йўқолган ёки ноқонуний эгалланган мобил қурилмаларни 24 соат мобайнида блоклаш, ўзгартирилган IMEI-кодларни

аниқлаш ва “қора рўйхат”га киритиш ваколати берилган. Бу ўғрилик жиноятларининг олдини олиш ва қисқа муддатда фош этишга хизмат қилади.

Шунингдек, Буюк Британиянинг Кент графлигидаги Блуewатер савдо мажмуасида *бош кийимини (кепка) бостириб кийиши ёки устки кийимнинг капюшонини кийган ҳолда* савдо мажмуасига кирган мижозларга хизмат кўрсатишга **тақиқ жорий қилинган**. *Бунинг сабаби савдо мажмуасидаги кузатув камералари ёзувларидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни* индентификатсия қилишда уларнинг уст боши (кийиниши) муайян муаммоларни вужудга келтирган. Тақиқнинг жорий қилиниши натижасида майда ўғирликлар **60 фоизга қисқарган**, савдо мажмуасининг даромади эса **23 фоизга** ошган.

Буюк Британияда **1982** йилда сосиологлар Жорж Келлинг ва Жеймс Уилсонлар томонидан “Бўлакланган ойналар” назарияси яратилган. Унга кўра, кам аҳамиятга эга бўлган **ҳуқуқбузарликларга етарли даражада эътибор бермаслик** янада хавфлироқ жиноятлар келиб чиқиши илгари сурилади. **1995** йилдан бошлаб **автотранспорт воситаларига иммобилайзер** ва бошқа хавфсизлик воситаларининг кенг даражада ўрнатила бошланиши **автотранспорт воситаларини ўғирлаш** ва уларга зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларни камайишига жиддий таъсир кўрсатган.

Ойналар ва эшикларида э**лектрон хавфсизлик тизимлари** ўрнатилган уйлар сонининг ортиши уларни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан юқори даражада ҳимоя қилинишига олиб келди. Буюк Британияда жиноятчиликнинг олдини олиш стратегияси жиноятларни содир этиш имкониятларини бартараф қилиш ва уларнинг сабабларини минималлаштиришга қаратилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятларни рақамли тарзда бартараф қилиш ва тергов қилишнинг замонавий юқори технологик тизимларини, шу жумладан, сунъий интеллект имкониятларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради. Бундай чора-тадбирлар очиқ манбалар, жумладан, ижтимоий тармоқлардан, жиноятларни тергов қилиш ва тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олиб қўйилган мобил телефонлар ва

компютер техникаларидан олинган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини оширади.

Шунингдек, Буюк Британияда **“Track My Crime”** онлайн-иловаси *(бу махсус онлайн хизмат илова бўлиб, унда жиноят қурбони ёки шоҳиди бўлган шахс ўзи хабар берган ҳолат бўйича тергов жараёнини интернет орқали кузатиб бориши мумкин)* яратилган бўлиб, ушбу илова орқали жиноятдан жабрланган шасхлар police.uk веб-сайти орқали жиноят иши юритилишини кузатиб туриш имкониятини беради. Бунда ўз хавфсизлигини қайғураётган жабрланувчи ва гувоҳлар жиноят иши доирасида ўз кўрсатувларини полиция идорасига бормасдан беришлари мумкин бўлади.

Франция, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда **атроф-муҳитни** жиноятчиликни олдини олиш (CPTED – Crime prevention through environmental design) ғоялари асосида **лойиҳалаш орқали** ушбу турдаги жиноятлар содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар бартараф этилади. Масалан, мазкур усулнинг Австралия тажрибаси мисолида қўлланилиши ўғрилик жиноятини **30 фоиздан 69 фоизга камайишига** сабаб бўлган.

Францияда ўғриликка қарши курашиш учун махсус полиция бўлимлари ишлайди, улар жиноятчиларни аниқлаш ва уларга қарши курашишда фаол қатнашади. Полициялар хавфсизлик камераларидан фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Бу камералар жиноятларни тизимли равишда аниқлаш ва барвақт олдини олишда ёрдам беради.

Буюк Британияда ҳам профилактика ишларида видеокузатув тизимлари самарали йўлга қўйилган. Йирик шаҳарларда жамоат жойларининг деярли 80 фоиз қисми видеокузатув билан таъминланган. Бундан ташқари, судланган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш дастурлари кенг қўлланилади.

Германия полицияси ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар шаклида **фуқароларнинг мустақил ҳимоясига** эътибор қаратиб, мулкни ўғрилардан қутқариш учун техник воситалардан қандай фойдаланиш ва қандай қилиб жиноят қурбонига

айланмаслик борасида жамоатчилик билан фаол равишда ишлашни йўлга қўйдилар. Шу мақсадда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бепул тарқатилади, радио орқали эфирга узатилади ва телевизорда “Жиноят полицияси маслаҳат беради” кўрсатувида намойиш этилади.

Ушбу давлатда янги автомашиналарга мажбурий электрон иммобилайзерлар (***Електрон иммобилайзер*** *— калит, чип ёки махсус код орқали двигателни ишга туширишга рухсат берувчи ёки тақиқловчи қурилма. Агар тўғри сигнал аниқланмаса, двигател ишламайди.*) ўрнатилиши натижасида автомобил ўғрилиги 80 фоизга камайган.

Германияда ўғрилик жиноятларига қарши жамоатчилик дастурлари ишлаб чиқилган, жамоатчиликнинг хавфсизликка оид ташаббуслари оммалашган. Махсус жамоат ташкилотлари ўғрилик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш мақсадида жойларда бўлиб, одамларга хавфсизликни таъминлаш ва ёрдам бериш вазифасини бажаради.

Шунингдек, ушбу давлатда аҳолига ўғрилик жиноятларнинг оқибатлари ва унга қарши курашиш йўллари ҳақида таълим беришга катта аҳамият берилади. Жиноятчиларни реабилитасия қилишга қаратилган дастурлар мавжуд. Банклар ва савдо марказларида видеоназорат тизимлари, ўғрилик ва фирибгарлик қурилмаларидан ҳимоя қилиш ва мулк хавфсизлигини таъминлаш учун янги технологиялардан фойдаланилади.

Германиянинг кичик шаҳарчаларида “Қўшни назорати” (Neighborhood Watch) йўлга қўйилган бўлиб, маҳалла ёки кўчада нотаниш ва шубҳали машина ёки шахслар ҳақида дарров хабар бериш тизимини шакллантирилган.

Ғарбий Европа давлатларида *“Ўзингизни, оилангизни, уйингизни ва мол-мулкингизни жиноий ҳужумлардан қандай ҳимоя қилиш керак”* деган мавзуда оммабоп мақолалар ва қўлланмалар кўплаб чоп этилиб, аҳоли орасида профилактик ишлар олиб борилади.

Европа Иттифоқи давлатлари ҳудудида смартфон ўғриликларини олдини олиш бўйича олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида, ушбу қурилмалар ўғрилганда ИМЕИ коди орқали бутун Европа Иттифоқи

ҳудудида блоклаш тизимини ишга туширилиши, смартфонлар ўғирланишини кескин камайиб кетишига олиб келди.

Янги Зеландиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг профилактик фаолияти жиноятларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс ва инновatсион ёндашув билан тавсифланади. Масалан, **ақлли бошқариладиган полиция фаолияти** (Intelligence-Led Policing)нинг йўлга қўйилганлигидир.

Янги Зеландия **Хавфсиз ҳамжамиятлар жамғармаси** (Safe Communities Foundation New Zealand, SCFNZ) нодавлат ташкилотлар, бизнес ва давлат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик орқали хавфсиз ҳамжамиятлар яратиш ташаббусларини илгари суради. Бу **жамоатчилик хабардорлигини оширишга** ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликда ишлашга ёрдам беради.

Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳри тўлиқ кузатув камералари билан қамраб олинган ва улар полиция тузилмаларига интегratsiя қилинган.

Бу тизим ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш ёки фош этиш имкониятини беради.

Қозоғистон Республикасида чорва молларига махсус GPS қурилма ўрнатиш амалиёти йўлга қўйилган.

Бу чорва ҳайвонларининг ҳаракатини кузатиб туриш, шунингдек, уларни ўғирлаш билан боғлиқ ҳолатларни тезкорлик билан фош этиш имконини беради.

Япония давлатида хонадон ўғриликларининг олдини олиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаги ҳамда деразаларга гуллар экилган тувакларни ўрнатиш амалиёти мавжуд.

Бу ўғрилик содир этмоқчи бўлган шахсларнинг психологиясига таъсир ўтказиш мақсадида қилинган профилактик чора саналади. Яъни атрофнинг тоза ва озодалиги ўғрилик қилмоқчи бўлган шахсларда ҳудуд доимий

кузатувда эканлиги ҳақида тушунча уйғотган ва ўз ўзидан жиноятнинг олдини олган.

Шунингдек, ушбу давлатда жиноятчиликнинг олдини олишда оила ва таълим муассасалари асосий рол ўйнайди. Ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, жамоавий назорат ва *“қўшни назорати”* тизими профилактиканинг асосий йўналишидир.

Бундан ташқари, Японияда полиция тизими округ ва туманларга бўлинган бўлиб, уларда *“cmatsionар кабиналар”* тизими амал қилади. Ҳар бир 10-15 та “statsionар кабиналар” фаолияти бир полиция бўлинмасига боғланган. Улар фаолияти биринчи навбатда бирламчи, иккиламчи ва ресидив жиноятларни жамиятнинг барча қатламлари билан алоқадорликда олдини олишга қаратилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича асосий вазифаси тор йўналишларда олиб борилади. Японияда полиция сиёсатининг муваффақияти унинг ижтимоий йўналтирилганлиги, норасмий ижтимоий назоратнинг турли шакллари жорий этилганлиги ва ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворнинг **ижтимоий фойдали стереотипларини ишлаб чиқишга** қаратилганлигидан иборатдир.

Шунга кўра, Япониянинг жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, дастлаб криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларнинг чорраҳалари, жиноят содир этиладиган кўчалари ёки бошқа жамоат жойларига туман ички ишлар органлари ва маҳалла профилактика инспектори билан бевосита алоқа боғлайдиган “statsionар кабиналар” тизими жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда “statsionар кабиналар” тизими орқали маҳаллада яшовчи фуқаролар содир этилаётган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар ҳақида зудлик билан маҳалла профилактика инспекторини хабардор қилиш имконияти яратилади.

Полша ва Латвия Республикаларида велосипед ўғрилигининг олдини олиш мақсадида улар ҳақидаги маълумотлар полициянинг электрон маълумотлар базасига киритилади.

Полиция ходимларига фуқаролардан велосипеднинг ҳақиқий эгаси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиш ваколати берилган. Фуқарода тегишли ҳужжат бўлмаса, у полиция бўлимига ҳолатни текшириш учун олиб кетилади.

Ушбу мамлакатлар фуқаролари велосипеддан фойдаланиш учун харид квитансияси, маҳсулот паспорти ёки велосипеднинг рамасида муҳрланган ягона идентификатсия рақамини ўз ичига олган кафолат картасига эга бўлиши керак.

Велосипедни қўлдан сотиб олишда харидор ва сотувчи ўртасида савдо шартномаси тузилади. Унда харидор ва сотувчининг шахсий маълумотлари, келишув санаси, велосипеднинг нархи ҳамда рамаси рақами кўрсатилади.

Велосипед мерос қилиб олинган ёки қўлда йиғилган бўлса, эҳтиёт қисмлар учун ҳужжатлар (чеклар, квитансиялар) керак бўлади. Лекин шунда ҳам, велосипед эгаси полиция бўлимига бориб маълумотлар базасидан унинг рамаси рақамини текшириши зарур.

Сингапур — дунёдаги ўғрилик энг кам содир этиладиган давлатлардан бири. Уларнинг муваффақияти қуйидагиларга асосланган:

- Бутун мамлакат бўйлаб ўрнатилган 90 000 дан ортиқ камералар юзни таниш ва шубҳали ҳаракатларни аниқлаш функсиясига эгалиги;

- **Маълумотлар таҳлили:** Агар бирор ҳудудда ўғрилик хавфи ошса, тизим автоматик равишда яқин атрофдаги полициячиларга сигнал юборади;

- **Рақамли иқтисодиёт:** Нақд пулсиз тўловларнинг 95 фоиздан юқорилиги кўчадаги талончилик ва ўғриликни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўйган.

Шунингдек, Сингапурда шаҳар кўчалари ва уй олдиларига ақлли ёритиш чироқлари яъни доимий ёниб турувчи чироқ эмас, балки *“ҳаракат датчиги” (Мотион сенсор)* билан ёнадиган чироқлар ўрнатилган бўлиб, ушбу чироқлар ўғрини кўпроқ қўрқитади, чунки бу *“уй ичидагилар сени кўрди”* деган психологик эффект беради.

Илғор хорижий давлатларнинг ўғрилик жиноятларини олдини олиш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон шароитида ўғрилик жиноятларини олдини олиш бўйича қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Ижтимоий тармоқлардаги оммавий платформалар орқали ўғрилик жиноятларининг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, киберўғриликларни олдини олиш бўйича хавфсизлик тизимларини такомиллаштириш;

2. Маҳаллаларда жиноятчиликни олдини олишга фаол ёрдам берувчи "жамоатчилик вакиллари"ни сайлаш ва уларни давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш;

3. ИИВга йўқолган ёки ноқонуний эгалланган мобил қурилмаларни 24 соат мобайнида блоклаш, ўзгартирилган ИМЕИ-кодларни аниқлаш ва "қора рўйхат"га киритиш ваколатини бериш;

4. Германия тажрибаси асосида жамоатчиликнинг хавфсизликка оид ташаббусларини қўллаган ҳолда ўғрилик жиноятларига қарши "жамоатчилик дастурлари"ни ишлаб чиқиш тизимини йўлга қўйиш;

Бунда жамоат ташкилотлари ўғрилик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, хавфсизликни таъминлаш ва ёрдам бериш вазифасини бажаради.

5. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда "ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет" яратиш мақсадида, таълим муассасаларида қуйидаги йўналишларда фанлар киритиб, таълим-тартбия ишларини кучайтириш:

- **"Ҳуқуқий"** йўналишда *(Конститусия ва қонун устуворлиги, ўқувчи (ёш)ларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ёшлар жиноятчилигини олдини олиш асослари, жиноят ва ҳуқуқбузарлик тушунчаси, ёшлар орасида кенг учрайдиган ҳуқуқбузарликлар, жиноятнинг ижтимоий ва шахсий оқибатлари, "осон пул" ва криминал муҳитнинг хавфи мавзуларида)*;

- **"Ватанпарварлик, маънавий-маърифий ва аҳлоқий тарбия"** йўналиши *(Миллий урф-одат ва анъаналар, ватанга садоқат ва фидойилик, Ўзбекистон қаҳрамонлари ва тарихий шахслар, ҳалоллик, адолат, виждон,*

ўзини тута билиш ва интизом, ёмон одатлар ва уларнинг оқибати, жамиятда ўз ўрнини топиш мавзуларида);

- Психология йўналишида *(Ёшлик даври психологияси, стресс, босим ва таъсирларга қарши туриш, сўзлашиш маданияти, тўғри қарор қабул қилиш ва бошқа мавзуларда)*;

- Медиа ва интернет хавфсизлиги йўналишида (*Интернетдаги ҳуқуқбузарликлар, фейк ахборот ва манипулясия, кибержиноятчиликдан ҳимоя, ижтимоий тармоқларда хулқ-атвор маданияти ва бошқа мавзуларда*).

Ўқувчи ёшларга ушбу йўналишда мазкур мавзуларни тушунарли қилиб ўқитилиши уларнинг қонунни билиш ва унга амал қилиш зарурлигини, ўз юртига нисбатан фахр ва масъулият ҳиссини шакллантиришда, ички ахлоқий тўсиқ (иммунитет) шаклланишида, салбий муҳит ва криминал таъсирга берилиб кетмаслигида, виртуал муҳитда ҳам ҳуқуқий иммунитетга эга бўлишида муҳим рол ўйнайди.

6. “Ўзингизни, оилангизни, уйингизни ва мол-мулкингизни жиноий тажовузлардан қандай ҳимоя қилиш керак” деган мавзуда оммабоп мақолалар, қўлланмалар, буклетларни кўпроқ чоп эттириш ва аҳоли орасида профилактик ишларни олиб бориш;

7. Маълумотлар таҳлили асосида ўғрилик ҳавфи юқори бўлган ҳудудларда ИИОларига автоматик равишда сигнал берувчи ахборот тизимини яратиш;

8. Кўчалар ва уй олдиларига ақлли ёритиш чироқларини яъни доимий ёниб турувчи чироқ эмас, балки *“ҳаракат датчиги” (Motion sensor)* билан ёнадиган чироқлар ўрнатилишини йўлга қўйиш;

9. Кўча ва жамоат жойларини, жиноят содир қилиниши мумкин бўлган ҳудудларни замонавий типдаги янги видеокузатув воситалари билан жиҳозлаш ва уларни ИИОларига интегратsiя қилиш ишларини кенгайтириш;

10. Ўғрилик жиноятларига қарши курашиш ва уни барвақт олдини олиш, ўғрилик жиноятларини содир қилиши мумкин бўлган *(муқаддам судланганлар, профилактик ҳисобларда турганлар, ўғрилик жиноятини содир*

қилишга мойиллар ва ҳ.к) ҳамда ушбу жиноятдан жабрланиши мумкин бўлган шахслар билан манзилли профилактик ишларни сунъий интеллект ёрдами ва баҳолаши асосида амалга ошириш, шунингдек, ўғрилик жиноятларини олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳудудлар кесимида мониторинг қилиб, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида белгилаб бориш мақсадида, **“E-O‘g‘rilik” электрон тизимини яратиш ва амалиётга кенг жорий этиш таклиф қилинади.**

Ўғрилик жиноятларини олдини олиш ва унга қарши курашишда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини Ўзбекистон шароитида қўллаш ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишда самарадорликни оширишга ёрдам беради. Аммо, ҳар бир тажрибани Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллий қонунчилик ва маданиятига мослаштириш зарур. Бундай ёндашув тажрибаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди ва уларнинг салбий оқибатларини камайтиради.

Фойдалинилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр.– Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.

2. Қ.Р.Абдурасулова. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 99-110-бет.

3. Филимонов О.В. Индивидуалная профилактика преступлений. – Томск, 1985. 5-7-бетлар.; Аванесов Г.А. Криминология. – М., 1984. – 334-б

4. Аванесов Г.А. Криминология и сосиалная профилактика. – М., 1980.

5. Гелфанд И.А., Михайленко П.П. Предупреждение преступлений – основа борбы за искоренение преступности. – М., Юридическая литература, 1964.

6. Жиноятчилик тенденсиялари ва омиллари давлат ҳисоботлари (2024 йил бўйича): Ахборот-таҳлилий ҳужжат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2025.

7. Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи: Ахборот-таҳлилий ҳужжат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2025.

8. https://uz.wikipedia.org/wiki

9. https://www.transcrime.it/en/publications/european-journal-on-criminal-policy-and-research/

10. https://nnw.org/ NATIONAL NEIGHBORHOOD WATCh A Division of the National Sheriffs' Association

11. https://www.cpted.net/ The International Crime Prevention Through Yenvironmental Design (CPTED)

12. https://www.london.gov.uk/

13. https://www.safecommunities.org.nz/

14. https://onlinedegrees.sandiego.edu/what-is-intelligence-led-policing/

15. https://www.police.gov.sg/